

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 221 (1282), 2024 йил 31 октябрь, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ СИЁСИЙ ДАВР: МУНОСИБ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

**SAYLOV
2024**

27-OKTABR


MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

27 октябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда, бир томондан, очиқлик ва шаффоқликни қузатган бўлса, иккинчи томондан, партияларнинг илгари қузатилмаган замонавий, илгор, сиёсий технологиялардан кенг фойдаланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни маҳаллий ва халқаро экспертлар, мустақил ОАВлар ҳамда қузатувчилар алоҳида эътироф этди.



Давоми 3-бетда

Ҳамкорлик



Дунё олимлари йиллар давомида гапириб, бонг уриб келаётган масала — сайёрамизда сув захираси камайиб бораётгани муаммоси тобора жиддий тус олмоқда. Таҳлилларга кўра, 1960-йиллардан буён сувга талаб икки баробар кўпайган. Бу аҳоли сонининг ортиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ривожланиши каби кўплаб омиллар билан боғлиқ. Инсоният сув захираларини тежаш, асраб қолиш бўйича самарали ечимлар излапти, барча давлатлар биргаликда ҳаракат қилишга интилмоқда.

БАРҚАРОР СУВ ҲАРАКАТИ

Марказий Осиё ёшларини
Тошкент шаҳрида жамлади

Ўзбекистон ҳам мазкур масалани берафсиз қолдиришга қарай олмайди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз жаҳон майдонига аниқ тақлифлар билан фаоллик кўрсатаётди. Бу саноат-ҳаракатлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилибгина қолмай, Ўзбекистонга Марказий Осиё давлатлари орасида экологик

муаммоларга қарши курашда дадил қадам ташлаётган мамлакатлардан бири сифатида қаралмоқда. Шу боис, Европа Иттифоқи навбатдаги йирик тадбирини ўтказиш учун айнан Тошкент шаҳрини танлади.

Давоми 2-бетда

Тараққиёт одимлари



ИШЛОВ БЕРИЛАЁТГАН ОЛМОС ЮРТИМИЗ ТУРИЗМ ИМКОНИАТИНИ ШУНДАЙ БАҲОЛАШ МУМКИН

Туризм ортиқча хомашё талаб қилмайдиган сердаромад тармок экани билан дунё давлатлари эътибор марказида турибди. Нефть-газ маҳсулотларига бой араб мамлакатларининг зўр бериб, катта маблағ ҳисобига сайёҳларни жалб қилишга уриниши ҳам шундан. Статистик маълумотларга кўра, ўтган йили энг кўп сайёҳ борган ўлка — Франция. У ерга 89 миллиондан ортиқ турист ташриф буюрган. Кейинги ўринларни эса 84 миллионга яқин сайёҳ борган Испания, 79 миллиондан ортиқ турист қадами теккан АКШ эгаллаб турибди. Эътиборли жиҳати, бу мамлакатлар бошқа соҳаларда ҳам илгор давлатлар сирасига қиради.

Давоми 6-бетда

Ишсизликдан холи ҳудуд

МАҲАЛЛАЛАРДА ХОРИЖДАГИДАН ЯХШИ МАОШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

“Бўлса ҳамки қуруқ ер, ҳосил берар тўксанг тер”. Асрлар давомида тилдан тилга ўтиб келаётган бу ҳикмат замирида меҳнатсеварлик, изланиш ва интилиш каби фазилатлар мужассам эканини илғаб олиш қийин эмас. Демак, ҳар қандай замон ва жамиятда меҳнат қилиш улуғланган.

Мамлакатимиздаги ислохотлар аввалгиларидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Энди меҳнат ва изланишга даъват этиш билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Меҳнат қилиш, фаровон яшаш учун имконият, зарур шарт-шароит, имтиёз яратиб берилмоқда, ташаббуслар қўллаб-қувватланмоқда. Жойларда “Сайхунобод”, “Уйчи”, “Зарбдор”, “Ғиждувон” тажрибаси асосида бошланган хайрли ишлар қисқа муддатда самарасини кўрсатди. Ҳаётбахш ислохотлар туфайли нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки яқин ва чекка қишлоқлар саноатлашиб, тадбиркорлик, томорқачилик ривожланиб борапти.

Қўштепа туманидаги “Сармозор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳунармандлар юрти Марғилон шаҳрининг ғарбий ҳудудига туташиб кетган кўҳна масканлардан. Аҳолининг асосий даромади аграр тармоққа бевосита боғлиқ. Саноат тармоқларида ишлаш, ҳунар ўрганиш учун кўшни шаҳарга боришга тўғри келган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида берилган имтиёз ва имкониятлар қишлоқ ҳаёт тарзига ўзига хос ўзгариш ва янгиликлар олиб кирди. Маҳалла ишсизлик, камбағалликдан холи ҳудудлардан бирига айланди. Бу бежиз эмас, албатта.

Давоми 4-бетда



СИФАТЛИ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИСТАГИ



ЯНГИ ФАРМОН СОҲАДАГИ ИШЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРАДИ

Касбий таълим замон талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш учун асос яратаркан, иқтисодиёт ва жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Меҳнат бозоридagi жадал ўзгаришлар ва иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида таълим тизимини модернизация қилиш ҳар бир мамлакат учун энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда бу масала алоҳида аҳамият касб этиб, замон талабларига мос ўзгаришлар кечмоқда. Жорий йил 16 октябрда Президентимизнинг “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

фармони қабул қилинди. Бу қадам давлатимизнинг ички ва жаҳон меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашга қодир юқори сифатли ва рақобатбардор касбий таълим тизимини яратиш истагини акс эттиради.

Давоми 5-бетда

БАНДЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

МУНОСИБ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГ
ЖОРИЙ ҚИЛИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТАДИ

Ҳар қандай давлатнинг халқаро майдондаги нуфузи фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси билан белгиланади. Шу маънода, бугун мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинган видеоселекторда бундан буён камбағалликни қисқартириш умумий ҳаракатга айланиши таъкидланган эди.

Давоми 2-бетда

Ҳамкорлик

БАРҚАРОР СУВ ҲАРАКАТИ

Марказий Осиё ёшларини Тошкент шаҳрида жамлади

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда илк бор ўтказилган "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" сув ресурсларини барқарор ривожлантириш бўйича халқаро ёшлар конференцияси кўтаринки руҳда давом этмоқда. 30-31 октябрь кунлари пойтахтимиз мезбонлик қилаётган халқаро тадбир "Марказий Осиё ёш лидерлари: барқарор сув ҳаракати парадигмасини ўзгартириш" мавзусига бағишланди.

Европа Иттифоқи ташаббуси ва Нордик университети ташкилотчилиги, қатор вазирилик ва идоралар ҳамкорлигида ўтаётган нуфузли тадбирда халқаро ташкилотлар вакиллари, Марказий Осиё давлатларидан 100 нафар ёш етакчи иштирок этипти.

Анжуман мавзуси — сув танқислиги, ушбу неъматдан оқилона фойдаланиш ва янги технологияларни қўллаш масалалари. Аммо бу гал маърузачиларнинг асо-

сий қисми ёш олимлардан иборат бўлди. Европа Иттифоқи ушбу долзарб масалага айнан ёш авлод эътиборини кўпроқ қаратиш билан бирга ёшларда дахлдорлик ҳиссини ошириш, тежамкорликка чорлаш ва албатта, янги илмий лойиҳаларни рағбатлантиришга интилоқда. Айниқса, ёшлар қатлами кўп бўлган Марказий Осиё давлатларида бундай тағрибот жуда муҳим. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала таъкидлаганидек, бугун минтақа мамлакатлари тобора ўзаро боғлиқлик ва умумий фаровонликка интилоқда. Шунингдек, тадбирнинг очиلىш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирини Шавкат Хамроев, Қозоғистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Зулфия Сулайменова иштирокчилар эътиборини долзарб муаммоларга қаратди. Халқаро конференция фикр ва тажриба алмашишда ўзига хос платформага айланди.



Дилноза КАТТАХОНОВА, Ёшлар ишлари агентлиги раиси ўринбосари:

— Бугун дунё аҳолисининг 16 фоизини ёшлар ташкил қилса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич эътироф этса аризулик, яъни аҳолининг 60 фоиздан ортиги 30 ёшдан кичикларни ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни ёшлар мамлакатини, десак ҳеч муболага бўлмайди. Мамлакатимизда улар учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берилмоқда. 2016 йилда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Юртимизда 30 июнь — "Ёшлар куни" деб эълон қилинган. Умуман, ёшлар сиёсати боланинг боғча давридан бошлаб, ҳаётда ўз ўрнини топунига қадар кўмаклашадиган яхлит тизимга айланган.

Бугун аҳолисининг деярли ярмидан кўпи ёшлар бўлган Марказий Осиё учун ёшлар билан ишлаш, айниқса, уларнинг экологик маданиятини юксалтириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда ёшлар масаласи бўйича 30 га яқин миллий, минтақавий ва халқаро ташаббусларни илгари сурган. Шулардан бири сифатида 2022 йил 21 июль кунини Қирғиз Республикасининг Чўлпонота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи маслаҳат учрашувида Президентимиз томонидан Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим ташаббуси билдирилган эди. Мазкур битим лойиҳаси Марказий Осиё мамлакатлари томонидан ижобий қабул қилиниб, 2023 йил 14 сентябрь кунини Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи маслаҳат учрашувида тасдиқланди. Унда айнан ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган эди ва бугун шу ҳужжатнинг ижобий натижасини кўриб турганимиздан хурсандимиз.

Минтақа ёшлари билан ҳамкорликда шу каби лойиҳаларни мунтазам амалга ошириб, уларни қўллаб-қувватлаш учун етарли шароит ва имкониятлар яратиб берилишига ишонамиз. Конференция сессияларида Марказий Осиё ёшлари томонидан минтақамиздаги экологик вазиятни яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқа муаммолар ечимига қаратилган тақлифларни Ёшлар ишлари агентлиги қабул қилиб, ҳуқуқатга киритиш ва бу борада яқин ҳамкорлик ўрнатишга тайёр.



Терхи ХАКАЛА, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили:



— Ушбу минтақавий тадбир Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги яқин ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Турли соҳалардаги ёш етакчилар — фуқаролик жамияти, илмий доиралар, оммавий ахборот воситалари, ҳукумат вакиллари худудларни ривожлантириш, экологик муаммоларга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга.

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик тобора фаоллашмоқда. Олий даражадаги учрашувлар, бир қанча худудий тадбирлар бўлиб ўтди. Ўтган йили бешта асосий йўналиш борасида янада ҳамжиҳат ишлаш бўйича қўшма "йўл харитаси" қабул қилинди. Бугунги анжуманда асосий эътибор сув ресурсларини барқарор бошқариш ва бу борадаги алоқаларни мустақамлашга қаратилмоқда. Семинарларда ушбу мавзуларга тўхталяпмиз.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори:



— Ушбу халқаро тадбирни ўтказиш ва бунинг учун Тошкент шаҳрини танлаш ташаббуси Европа Иттифоқи томонидан билдирилди. Бунда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё миқёсидаги фаоллиги ортиб бораётгани, мамлакатимизда аҳоли ва ёшлар сонининг кўп экани инобатга олинган. Айни кунларда эса минтақа давлатларининг 35 ёшгача бўлган вакиллари пойтахтимизда жам бўлиб турибди. Йирик форматдаги конференция доирасида университетимизда "workshop" ҳамда "nexus" ўйинлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, дастурдан моҳир фотограф, кўплаб фотокўргазмалар муаллифи Тамара Кубаева режиссёрлигидаги фильм намойиши ҳам ўрин олган.

Умуман, конференцияда ёшларнинг эътибори сув муаммоларига қаратилиб, улар учун хорижлик экспертлар томонидан маърузалар, семинарлар ўтказилмоқда. Таъкидланганганидек, бугун Марказий Осиёда сув ресурслари камайиб бориш хавфли ортмоқда. Вазият шу тарзда давом этса ҳамда сув ресурсларидан

оқилона фойдаланмасак, 2050 йилга бориб, жиддий сув танқислиги юзага келиши, бу минтақадаги ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоиз қисқаришига олиб келиши мумкин. Қолаверса, халқаро ташкилотлар ҳисоботлари Марказий Осиёда музликларнинг ҳар йили 1 фоиз эриши кузатилаётганини кўрсатяпти. Бу жуда катта муаммоларни юзага келтиради.

Мана шу муаммоларнинг олдинчи олинса ёшлар фаоллиги кўрсатиши, келгусида илгор ташаббусларни илгари суриши муҳим. Халқаро конференцияда жам бўлган 100 нафар етакчинини шу мақсад билан таъинлади. Тадбир доирасида сув муаммолари ечимига бағишланган "Тошкент декларацияси" ёки "Тошкент резолюцияси" қабул қилиниши кўзда тутилган.

Марта Сарагоса НАВАРРО, Жаҳон ёшлар парламентининг глобал сув тағриботи бўйича раҳбари:



— Конференция илҳомлантирувчи руҳда бўлиб ўтмоқда. Бу ерда ёшларни эртага биз кўришни истаган дунёни шакллантиришга жалб қилиш имкониятлари, шунингдек, хозирги ҳамкорлик ташаббусларини муҳокама қилияпмиз. Айни пайтда кўп минтақаларда сув инқирози кузатилаётган бўлиши мумкин. Бу борада олимлар ва сиёсатчиларнинг биргаликдаги сатъ-харакати ёшларни ҳам ташаббускорликка ундайди.

Тадбирда мен ҳам нутқ сўзладим. Маърузамда ўзбек ёшларининг

мамлакат бўйлаб ечимларни тағрибот этиш, сувдан ва маҳаллий санитария иншоотларидан фойдаланиш имкониятлари ҳамда жараёндаги иштироки ҳақида сўз боради. Минтақадаги сув муаммоларини ҳал этишда ёшлар ҳаракатининг фаоллиги жуда муҳим. Умид қиламанки, келажакда бу йўналишда ишлайдиган ёш кадр ва мутахассислар сонини янада ортади. Бунинг учун янги лойиҳаларни молиялаштиришга эътибор қаратишимиз зарур.

Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

БАНДЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ

МУНОСИБ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТАДИ

Ижтимоий ҳимоя

2025 йил 1 мартдан бошлаб амалий касбий кўникмаларни бевосита иш жойида шакллантириш имконини берувчи янги тажриба, 1 майдан бошлаб эса халқаро тан олинган таълим дастурлари жорий этилади. 2026 йил 1 январга қадар касбий кўникмалар марказларини халқаро баҳолаш ташкилотлари аккредитациясидан ўтказиш орқали битирувчиларига хорижда тан олинган сертификат бериш йўлга қўйилади.

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг жорий йил 4 октябрдаги "Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самардорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан бу борада янги чора-тадбирлар белгилаб берилди. — Мазкур қарор камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади, — дейди камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирини ўринбосари Раъно Турдубоева. — Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури қабул қилиниши ҳамда унинг ижроси вазирлигимизга юклатилди. Дастур ижросини таъминлашнинг яхлит тизимини жорий этишни назарда тутган ҳолда вазирлигимиз фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Хусусан, меҳнат бозорини, банд ва ишсиз аҳолини таркибий таҳлил қилиш, ишсизларни манзилли аниқлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини шакллантириш, бўш иш ўрин-

лари ҳисобини юритиш, ишсизларни ишга жойлаштириш шулар жумласидан. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, касбий стандартларни ишлаб чиқиш, касбухона ва хорижий тилларга ўқитиш, малакани баҳолаш, муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат мейёрларига риоя этилишини ўргатиш, меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳам вазирлик зиммасидаги асосий вазифалар сирасига киради. Қарор билан Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тугатилди. Унинг шарт билдиклари, вазифа ва функциялари, мулк Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Вазирлик худудий бўлинмаларининг камбағалликни қисқартириш ва касб-хунарга ўқитиш йўналишлари бўйича фаолияти лойиҳавий ёндашув тамойили асосида ташкил этилади.



2025 йил 1 декабрга қадар 50 та туманда, 2026 йилда қолган туманларда 50-100 гектардан ижара асосида ажратилган қишлоқ хўжалиги ер майдонига санатлашган плантация, бог ва узумзорлар ташкил этилади.

— Мисол учун, уч ой мuddатда ижобий натижа берган "100 та энг самарали микро-лойиҳа" каталоги яратиш топшириғи берилди, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи Зокир Имомов. — Бу каталогни шакллантиришдан асосий мақсад маҳаллаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган, лекин етарли малакага эга бўлмаган фуқароларни ўқитиш ва уларга зарур ёрдам кўрсатишдан иборат. Албатта, бу вазифани ҳоким ёрдамчилари кўмағи билан барча худудларда оммалаштириш чораси кўрилади.

2025 йил 1 декабрга қадар ижара асосида ер майдони ажратилган туманларда камиди 40 гектар майдонда "бир контур — бир маҳсулот" тамойили билан юқори даромадли ва экспортбон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича намунавий лойиҳалар амалга оширилади.

2026 йил 1 августга қадар ҳар бир вилоятда камиди иккитадан кўп қаватли комплекс санат марказларини барпо этиш ва тадбиркорларни жойлаштириш лойиҳалари бажарилади. Санат кириб бормаган маҳаллаларда 2025 йил 1 декабрга қадар 1000 та, 2026 йилда 2000 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда кичик ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади. Ҳар йили ўзини ўзи банд қилган 50 минг фуқарони босқичма-босқич кичик

бизнес субъектларига айлантириш чораси кўрилади. Ишсиз ва камбағал аҳолини ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос ишчи касбларга ўқитиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари негизда касбий кўникмалар маркази ташкил этилади. — Шу пайтгача касбга ўқитиш ва "Ишга марҳамат" мономарказлари қатор касблар бўйича мутахассис тайёрлаган бўлса, энди хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар талабидан келиб чиқиб, касбга тайёрлашни йўлга қўяди, — дейди Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи Жасур Ғайратов. — Хусусан, касбий кўникмалар марказларида 2025 йил 1 январдан иш берувчилар талабига мослашувчан

ўқитиш мuddати ва вақтинини назарда тутувчи тезкор курслар очилади. 2025 йил 1 мартдан бошлаб амалий касбий кўникмаларни бевосита иш жойида шакллантириш имконини берувчи янги тажриба, 1 майдан бошлаб эса халқаро тан олинган таълим дастурлари жорий этилади. 2026 йил 1 январга қадар касбий кўникмалар марказларини халқаро баҳолаш ташкилотлари аккредитациясидан ўтказиш орқали битирувчиларига хорижда тан олинган сертификат бериш йўлга қўйилади. 2026 йил 1 июлга қадар малакали хорижий ташкилотни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар бўйича касбий малакани баҳоловчи марказ ташкил қилинади. Ушбу марказда хорижий давлатларда тан олинган малака сертификати берилади.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 январдан Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида, 2025 йил 1 сентябрдан мамлакатимизнинг бошқа худудларида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни буюртма асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда иш берувчиларни жалб қилган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилади. Қарордан соҳага доир жуда кўп ўзгариш ва янгилар ўрин олган. Хусусан, Меҳнат бозори тадқиқотлари институти Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институти сифатида қайта ташкил этилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасалари шаклида ташкил этилган Янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш худудий жамғармалари юридик шахс мақоми тугатилган ҳолда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ўтказилди.

2025 йил 1 мартдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилотда меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси таъминланганлик ҳолати онлайн рейтинг асосида баҳоланади. Мазкур қарор инсон ресурсларини ривожлантириш, меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, бандликнинг замонавий шакллари тағрибот этиш орқали камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, халқаро андазалар асосида муносиб меҳнат муносабатларини кенг жорий этиш учун янги шароитлар яратди.

Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ СИЁСИЙ ДАВР: МУНОСИБ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ



Муносабат

Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” ҳаракати раиси



“Ўзбекистон тарихида сиёсий ривожланиш борасида янги даврни бошлаб берди, десак тўғри бўлади. Янги Ўзбекистон демократик ривожланиш йўлида ортга қайтмас сиёсат олиб бораётганини тасдиқлади. Бу эътироф маҳаллий жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият томонидан билдирилаётгани биз учун муҳим ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг келгусидаги қиёфаси ҳам айнан ушбу ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади.

Бошланиши 1-бетда

Жадал кечаётган сиёсий ислохотлар

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон жуда қисқа вақт ичида **жиддий сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга ошира олди**. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, 2-3 йил ичида **Конституцияни янги тахрирда қабул қилиш** ва бир йилда парламент **сайловида аралаш сайлов тизими** жорий этиш осон вазира эмас. Кўпга давлатлар бу каби сиёсий ислохотларни узок йиллар давомида амалга оширган.

сезиларли даражада **кучайтирилган ҳокимиятлар бўлиниши** ва ўзаро тийиб туриш принципи амалиётда ишлашида муҳим омил бўлди. Хусусан, **Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари** амалдаги 5 тадан 12 тага, **Сенатда эса 14 тадан 18 тага** кўпайтирилди. Парламентнинг **ижро этувчи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар** ва махсус хизматлар фаолияти **устидан назорат функциялари** кенгайтирилмоқда.

Яна бир жиҳат, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиши бекор қилингани бўлди. Аввал ҳокимларга тегишли бўлган 30 дан ортиқ ваколатлар маҳаллий Кенгашларга ўтказилди. Бу орқали номарказлаштириш сиёсатининг янги босқичга чиққанлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Экспертлар фикрига кўра, айниқса, маҳаллий Кенгашларнинг ижро органлари ва бюджет устидан назорати янада кучайиши кутилмоқда.

Кучли парламентаризм ва жойларда **вакиллик органларининг ваколатлари**

“Мен дунё бўйлаб кўп-кўп давлатлардаги сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Сўнгги 2-3 йилда мамлакатда кўпга демократик ўзгаришлар рўй берди. Бу сафарга сайлов ҳам бутунлай янги форматда ўтказилганига гувоҳ бўлдим. Бу мен учун янгилик.



Ўзбекистон кун сайин тараққий этиб бораётганидан хурсандман. Номзодлар орасида ёшларнинг қўлиги эътиборимни тортди. Энг ёш номзод 21 ёшда экан. Бу сайловларга ёшларнинг қизиқини нақадар юқори даражада эканлигини кўрсатади”.

Йоханссон Петер ЛЮЛЛЕ,
хорижлик журналист (Швеция)

Бу менинг Ўзбекистонга тўртинчи ташрифим. Ўзбекистонда ҳам жамиятда, ҳам давлат муассасаларида катта ижобий ўзгаришлар бўлганини сездим. Парламентнинг янги янгиликларини янги ўзгаришлар, янги ислохотлар учун хизмат қилади, деган умиддаман. Янги куч парламентдаги янги депутатлар орқали мамлакат салоҳиятини оширишга, ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Президентига ёрдам бериш ва бутун Марказий Осиё минтақасининг салоҳиятини оширишга ҳисса қўшади деб ўйлайман.



Кўпга учрашувларда янги технологияларга, айниқса, сунъий интеллектга қизиқини кўрдим. Бу эса давлат ва жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни янада ривожлантиришда муҳим ресурс бўлиши табиий.

Тиберио ГРАЦИАНИ,
кузатувчи (Италия)

Гендер тенглиги ва инклюзивлик

Гендер квотасининг оширилиши бўйича ислохотлар олға силжишда катта қадам бўлиб, сиёсатда ва раҳбарлик лавозимларида аёлларнинг иштирокини сезиларли даражада оширди. 2024 йилги сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодларнинг 44,7 фоизини аёллар ташкил этди, бу эса аёлларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги мавқени мустаҳкамлаб, тенглик принципларини қўллаб-қувватлади. Аёллар сайлов комиссияларида муҳим лавозимларни эгаллаб, давлатнинг гендер тенглигига содиқлигини тасдиқламоқда.


қонунчилиги 2023 йилда қайта кўриб чиқилиши билан сайлов тизими, партиялар рўйхатини рўйхатга олишнинг янги қондалари, сайловни бошқариш органларини шакллантириш ва тузилмасини ўзгартириш қондалари, шунингдек, гендер квотасини оширишни ўз ичига олган ҳолда сезиларли даражада ўзгарганига урғу қаратди.

эҳтиёжларини ҳисобга олди. Овоз бериш жараёнида кўзи ожиз сайловчилар учун Брайль алифбосидан фойдаланишга мўлжалланган махсус бюллетенлар жорий этилди. Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан маслаҳатлар олиб борилди.

Шу билан бирга, инклюзивликка алоҳида аҳамият берилди. Ногиронлиги бўлган шахслар учун сайловда иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чоралар қабул қилинди. МСК жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориб, фуқароларнинг алоҳида

Шунингдек, янгиланган Конституцияда халқаро стандартларга мувофиқ ва ДИИХБнинг узок йиллик тавсиясига жавобан, муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг овоз бериш ҳуқуқидан умуий чеклов олиб ташланди. Буларнинг бари давлатнинг барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқлар таъминланганини кўрсатади.

“Депутатликка номзодлар орасида аёллар сонининг ортиб бориши мамлакатнинг учун жуда катта натижа. Мен бир аёл сифатида Ўзбекистонда сайлов соҳасида бундай ўзгаришларни қўллаб-қувватлайман ва сайловларда ғалаба қозонган барча аёлларга омад тилайман”.



Элсабе ДУРИНГ,
кузатувчи (Жанубий Африка)



“Сайловларда жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳам фаол иштирок этди. Бу ҳар бир инсон ўзининг сайлов ҳуқуқидан эмин-эркин фойдаланганидан далолат беради”.

Анзела БЕЛА,
хорижлик журналист (Германия)



“Ўзбекистондаги сайловга онд миллий қонунчилик халқаро сайлов нормаларига жуда ўхшаш. Мамлакатда халқаро нормаларга алоҳида эътибор берилаётганидан далолат беради. Инсон ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги меъерларга мос.



Масалан, бизда сайловларда маҳбуслар иштирок этиши таққиланган. Ўзбекистонда эса жазони ижро этаётган маҳбуслар ҳам сайловда иштирок этмоқда. Бу мамлакатда инсон ҳуқуқлари юқори даражада таъминланаётганини кўрсатади”.

Александр АЛЕКСАНДРОВСКИЙ,
кузатувчи (Россия)



Сайловларда рақамли трансформация

Сайлов жараёнларининг **мутлақо янги ва ўзига хос тарзда** ўтишида рақамлаштиришнинг аҳамияти юқори бўлди. Айниқса, бошқа давлатларда аналог бўлмаган **“E-Saylov”** ахборот тизимининг **ишга туширилгани** сайловларнинг очик ва шаффоф ўтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Хусусан, мазкур электрон ахборот тизимига барча, **30 мингга** яқин **депутатликка номзодлар** ҳақида

маълумотлар жойлаштирилди. Эътиборлиси, **Қонунчилик палатасининг** барча — депутатликка **номзодларининг таржиман ҳоли** ва **дастурлари** билан дунёнинг исталган бурчагидан **танишиш имконияти** яратилди. Ўзбекистон сайлов жараёнида замонавий технологияларни жорий этиш йўлида яна бир катта қадам ташлади. Ташкентда рақамли овоз бериш тизими синовдан

ўтказилди, бу эса фуқароларга аънавий ва электрон бюллетенлар ўртасида танлов имкониятини берди.

Рақамлаштирилган овоз бериш жараёни овозларни санашда вақтни тежашга ёрдам беради ва жараённинг инсон омилига боғлиқлигини камайтириши билан аҳамиятли. Синов тариқасида бошланган ушбу амалиёт келгуси сайловларда қимматли тажриба бўлиши аниқ.



“Сайлов жараёнлари очиклик тамойилларига асосан олиб борилди. Барча жараёнлар рақамлаштирилган, ҳатто онлайн овоз бериш ҳам ташкил этилди ва бу сайловларнинг самарали ўтишига хизмат қилди”.



Тазеев АКХТАР,
хорижлик журналист (Покистон)

Saylovchilarning ishtiroki to'g'risida

Xorijda ovoz berganlar

40 ta xorijiy davlatdagi 57 ta saylov uchaskalari

140 388 nafar

Ортга қайтмас сиёсат йўли

Оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнида фаол иштирок этди ва фуқароларга сайловлар ҳақида маълумот олиш имконини берди. Партиялар ва уларнинг вакиллари ўртасида дебатлар трансляциясининг ташкил қилиниши сайлов жараёнларида мутлақо янги ёндашув ва қарашлар шаклланганини намоён қилди. Тарғибот кампанияси даврида **бутун мамлакат бўйлаб 30 дан ортиқ дебат** ва **50 га яқин муҳокама майдончалари ташкил қилинди**. Уларда иштирокчилар турли масалаларни муҳокама қилди.

Давлат ва хусусий оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сайловда иштирок этиш қондалари ва ҳуқуқлари ҳақида маълумот бериш учун ахборот кампаниялари ташкил қилинди. Бу барча аҳоли қатламлари учун сайлов жараёнини очик ва осон, тушунарли

қилиб, фуқароларнинг онгли қарор қабул қилишига ёрдам берди. ДИИХБ ҳулосасига кўра, сайловларга тайёргарлик барча даражаларда самарали ва белгиланган мuddатларга риоя қилиб амалга оширилди. Экспертлар Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисларини мунтазам равишда жонли эфирда олиб боргани ва қарорларини тезкорлик билан эълон қилиш орқали шаффофликка кўмаклашганини қайд этди. Шунингдек, **маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари** вакиллари сайловларни ёритиш учун **аккредитациядан ўтказиш жараёни** ҳам **онлайн тартибда** амалга оширилгани сайловларнинг **юқори даражада очик эканлигини** кўрсатади.

“Барча сайлов жараёнлари жуда яхши ташкил қилинди. Сайлов участкасига кириб келаётган сайловчиларга номзодлар, партиялар ва сайлов жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилган”.



Давид РОС
(Франция)

“Марказий сайлов комиссияси ҳисоботини тингладик. Менда жараён бўйича ҳеч қандай эътирозлар йўқ. Мутахассис сифатида мамнунман. Ўзбекистон ўз келажагини танламоқда ва бунга ишонч билан овоз берди”.



Татьяна ХЕККЕР,
хорижлик журналист (Германия)

Бир сўз билан айтганда, бу йилги сайловлар Ўзбекистон тарихида **сиёсий ривожланиш борасида янги даврни** бошлаб берди, десак тўғри бўлади. Янги

Ўзбекистон демократик ривожланиш йўлида ортга қайтмас сиёсат олиб бораётганини тасдиқлади. Бу эътироф маҳаллий жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият томонидан

билдирилаётгани биз учун муҳим ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг келгусидаги қиёфаси ҳам айнан ушбу ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади.

Ишсизликдан холи ҳудуд

Маҳаллаларда ХОРИЖДАГИДАН ЯХШИ МАОШ таклиф этилмоқда

Бошланиши 1-бетда

Маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий-иқтисодий тармоқларни ривожлантириш мақсадида лойиҳа қиймати 191,7 миллиард сўм бўлган 50 дан ортиқ микро ва макро лойиҳа дастури ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар 37 та турли кўриниш ва йўналишни қамраб олган янги ишлаб чиқариш тармоқлари фойдаланишга топширилиши ҳисобига нафақат сармозорликлар, балки яқин атрофдаги маҳаллалар аҳлининг бандлигини таъминлаш имкони вуҷудга келди. — Маҳалламиздаги 1253 та хонадонда 6570 киши яшаётти, — дейди фуқаролар йиғини раиси Жаҳонгир Аббосов. — Йил бошида “маҳалла эттилиги” билан ҳар бир оила ҳаёт тарзи, муаммоларини ўрганиб, ишсизлиги аниқланган 352 фуқаро билан алоҳида ишлашга ҳаракат қилдик. Уларнинг қизиқиш ва ташаббусларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қўмақлашга эътибор қаратдик. Ишлаш истаги бор, лекин етарли малакага эга бўлмаган ёшлар, хотин-қизлар “Устоз-шогирд” аъналарини асосида касб-ҳунарга жалб этилди. Бугун маҳалламизда бекор юрган одам, бўш қолган томорқа йўқ. “Шарқ Равон” МЧЖда “AZMARO” бренди остида 100 хилдан ортиқ чарм-пойабзал тайёрлаб келинади. Бу ерда умумий қиймати 60 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш корхонаси очилиши ҳисобига 140 дан зиёд янги иш ўрни яратилган. Маҳсулотлар ички бозордан ташқари Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга ҳам экспорт қилинмоқда. — Фаолиятимизни 20 ишчи билан бошлагандик, — дейди корхона раҳбари Жаҳонгир Абдуҷалилов. — Авваллари керакли хомашёни Хитойдан буюртма қилиб олиб келганимиз. Бу ортиқча вақт, сармоя талаб этарди. Яратилган имкониятлардан



фойдаланиб, имтиёзли кредит асосида замонавий ускуналар харид қилдик. Бу керакли хомашёни маҳаллий шартномада ишлаб чиқариш, қўшимча иш ўрни яратиш имконини берди. Энди ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тўлиғича маҳаллийлаштирилди. Шунингдек, трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда “LIKE” бренди остида кунгабоқарни қайта ишлашни йўлга қўйдик. Кишлоқ жойлардаги бу имкониятлар ишсиз, меҳнат миграциясидан қайтган кўпқаб ёшлар қафолатли иш ўрни билан таъминланиши орқали доимий даромад манбаига эга бўлишига хизмат қилмоқда. — Бир неча йилдан бери хорижда ишлаб келаётганим, — дейди корхона ишчиси Азизбек Турсунов. — Маҳалламиздаги янги корхонада яхши иш ҳақи, шарт-шароитлар яратиб берилганини айтиб, ишга таклиф қилишди. Тўғриси, аввалига иккиландим. Маъқул келмаса, яна қайтиб кетаверман деб ишга киришганим. Янглишган эканман, бу ерда хориждагидан ҳам яхши даромад олиш мумкинлигига амин бўлдим. Ҳозир кўпқаб ёшларга касб сирларини ўргатиб келяман. “MP Текс” масъулияти чекланган жамияти бугун нафақат сармозорлик ишсиз аёллар, балки Олтиариқ, Ёзёвон тумани маҳаллаларидаги аҳолига ҳам янги иш ўринлари таклиф

қилмоқда. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 120 дан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. — Корхонамиздаги ўртача ойлик маош 2,5-3 миллион сўм, — дейди иш бошқарувчи Жалолиддин Икромов. — Бундан ташқари, бепул тушлик, ишга келиб-кетish учун транспорт қатнови мавжуд. Айни кунда хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш занжирини яратиш, экспорт миқдори ва кўламини кенгайтириш ва албатта, қўшимча иш ўринлари очиб бўйича ишляямиз. Бунинг учун шароит ва имконият етарли. Сармозорликлар ердан унумли фойдаланишда ҳам кўпчиликка намуна. Кейинги йил-

ларда сархил узум етиштириш, асаларичилик, иссиқхона ҳўжалиги фаолиятини йўлга қўйиш аънабаси ривожланди. Одижон Ғозиев ана шундай миришкорлардан. Тадбиркор иссиқхонасидаги кузги помидор ҳўсил нишонларини кўз-кўз қилиб турибди. Бу ердаги 0,75 гектар иссиқхонадан бир йилда икки-уч марта ҳўсил олинмоқда. Дастлабки ҳўсиб-кинобларга кўра, жорий мавсумда 50 тоннадан ортиқ сархил помидор Россия бозорига экспорт қилинади.

Гулистон кўчасида яшовчи Юсуфхон Маърупов хонадонда ноёб, нафис гуллар етиштириш учун умумий қиймати 500 миллион сўмлик замонавий иссиқхона ташкил этиб, 4 та иш ўрни очди. Маҳалладаги истиқболли лойиҳалар ҳақида гап кетганда, “Natural Milk Vodyu” хусусий корхонаси алоҳида эътироф этилади. Бу ерда фермер ҳўжаликлари ва маҳаллий аҳолидан сўт ва сўт маҳсулотлари сотиб олиниб, қайта ишлаш йўналишида янги тармоқ фаолият бошлади, 10 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Фақат бугина эмас. Шу кунга қадар “Малика пойабзаллари” хусусий корхонасида пойабзал тағачлари, “Замин Барака” хусусий корхонасида мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мискар уста Акрамон Юнусов қадимий ва нодир ҳўнармандлик аънабаларини тараққий эттириш билан бирга маҳалланинг йўлбази бўлишига эътибор қаратди. Сармозор маҳалласидаги лойиҳа ва ташаббуслар ҳақида яна кўпқаб ёшлар келтириш мумкин. Муҳими, бу амалий ислоҳот ва ташаббуслар самарасидан эл баҳра олмоқда, ишсизлик барҳам топиб, ҳудудлар обод, файзли масканга айланиб бормоқда.

“MP Текс” масъулияти чекланган жамияти бугун нафақат сармозорлик ишсиз аёллар, балки Олтиариқ, Ёзёвон тумани маҳаллаларидаги аҳолига ҳам янги иш ўринлари таклиф қилмоқда. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада 120 дан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.



Шераф Қорбосев оёқдан суратлар.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Нуқтаи назар

БИЛИМГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТ

Бунинг АҲАМИЯТИ ЖУДА ЮҚОРИ

Дунёдаги ўзгарувчан вазият иқтисодийётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозор синовларига бардошлилигини ошириш, аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш ва инсон капиталини юксалтиришда таъсирчан, самарали ислоҳотлар рўёбинга тақозо этади. Шу бос, янги Ўзбекистондаги янгилаштирилган бошланган илк кунлардоқ таълим, илм-фан ва инновацияларга катта эътибор қаратила бошлади. Зотан, инсон капиталини кучайтириш орқали иқтисодийётнинг барқарор ривожлантириш энг тўғри ва муҳим танловдир.

Элмурод ҲОШИМОВ, Банк-молия академияси ректори, иқтисодийёт фанлари доктори



Белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга изчил таътиқ этишда мустақил қарор қабул қили олуви, иқтисодий, малакали кадрлар гоът зарур. Чунки барқарор тараққийётга эришиш учун инсонга эътибор ҳаётини эътибор. Буни халқаро даражада ташқи қилсак, етарлича мисол топилади. Масалан, Хитой инсон капиталини ривожлантириш, технологиялар, илм-фан, таълим, иқтисодийёт, саноят, бизнес каби кўпқаб соҳаларда жуда катта ютуқларга эришиб, жаҳон иқтисодийётининг иккинчи рақами етакчисига айланди. Натияжада халқ фаровонлиги юксалиб, тараққийётнинг мустаҳкам асоси яратилди. Хитой муҳим халқаро жараёнларнинг масъулиятли иштирокчиси сифатида жаҳон сибасати ва бошқарувида етакчи ўринга эга бўлди. Илм-фан ва инновацияларга катта эътибор қаратиляпти. Шу бос, хорижий давлатлар билан эришилган келишув ва битимларда ҳар бир соҳа бўйича тегишли кадрларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, инсон ресурсларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Таълим ва илм-фан соҳасидаги ислоҳотлар бугун амалий самарасини кўрсатишни бошлади. Жумладан, ўтган даврда олий таълим муассасалари сони икки юздан ошди.

Мақтабгача таълим қарови 27 фоиздан 76,4 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизгача етди. Ўзбекистон олий таълим муассасалари дунёнинг нуфузли ташкилотлари рейтингига юқори ўринга эга бўла бошлади. Ҳозирги таълим-фан, тарбия соҳасида халқаро тан олинган ва амалиётда муваффақият қозониб келаётган илгор тажрибалари асосида мутахассислар тайёрлаш жараёни ташкил этилди. Академик фаолият ташкилий жиҳатдан қайта қурилиб, хорижий ва маҳаллий малакали, тажрибали педагоглар жамоаси шакллантирилди. Эндиги вазифа олинган билим, ўрганилган тажриба ва илмий тадқиқотларга, инновацияларга асосланган кучли креатив иқтисодийётни яратиш, унинг барқарорлигини таъминлаш орқали эса халқимизнинг муносиб ҳаёт кеиришини таъминлаш лозим. Янги технологиялар ва билимнинг иқтисодийётга кириб келиши ривожланишга ижобий таъсир ўтказадди.

Аҳолини ишли ва қўшимча даромадли қилиш учун ер ажратиб берилди. Аммо ички ва ташқи бозор талаби чуқур ўрганилмагани тудайли бу йил пиёё ва тарвуз каби маҳсулотлар сарфланган меҳнат ҳамда маблагга нисбатан арзон нархда сотилди ёки маҳсулот даланнинг ўзида қолдириб кетилди. Бу жараёнга маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва логистика хизматларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Тўғри, “маҳаллабай”, “хонадонбай” тиэмли ишлар аҳолига ташкилий-молиявий кўмак бериб, бандлигини таъминлашда салмоқли натижалар кўлга киритилляпти. Аммо ҳудуднинг макро ва микро даражадаги ривожланишига таъсир қилувчи омилларни кенг тадқиқ этмай туриб кўзланган маррага эришиш қийин, назаримизда. Ўрганишларга кўра, аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишида манзилли ишлар билан бир қаторда комплекс ёндашувлар ҳам жуда зарур. Булар ўсимчи кўрсаткич билан боғлиқ бўлган билимга таянган иқтисодийётга ўтиш асосларини тадқиқ этиш, ҳудудлар кесиминда илмий ҳамжамиятнинг амалий кўмагидан фойдаланиш ҳамда инсонларнинг билим ёки кўникмаларини шакллантиришдир. Биринчи масала бўйича ҳудуднинг йиллик иқтисодий ўсish суръатини ўз ичига олган панель маълумотлар тўплами назарий ва тажриба асосида ўрганилиши зарур. Бунда динамик панелнинг умумлаштирилган усули ёрдамида олинган натижалар, инсон капиталли ва илмий тадқиқотлар, инфратузилма ҳамда бизнес юритиш қулайлиги бўйича маълумотлар жамланиб, иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш билан боғлиқ “йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Билимдан фойдаланиш, маҳаллий эҳтиёжга мослаштириш ва уни бозорда баҳоланган инновацион тизимлар зарур. Бу бозорга киришни оsonлаштирилади, транспорт ва ишлаб чиқариш харажати пайсантириб, ҳосилдорлик ҳамда ишбарқарорлик фаолиятини оширади. Ҳозир жаҳон иқтисодийёт билимга асосланган жадаллик билан ўтмоқда ва билимларни кўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсishнинг муҳим омилга айланмоқда. Сўнгги глобаллашув тенденцияси барча қитъа, минтақа ёки мамлакатларнинг глобал иқтисодийётда фаол иштирок этишига олиб келди. Давлатларнинг билимга асосланган иқтисодийёт рақобат мўҳим бўлган муҳитини таъминлайди. Рақобатли муҳит эса нарх ва сифатга ижобий таъсир қилиб, бозорда устуңликлар яратадди.

Иккинчи масала бўйича ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши учун хизмат қиладиган илмий ечимларни ишлаб чиқиш зарур. Жараёнда маркетинг тадқиқотлари, уруғчилик, ҳудудларнинг ўзига хос имконияти, экологик вазият ва табиий иқлим шароити, самарали бошқаруви ташкил этиш, логистика, инфратузилмани яхшилаш каби йўналишларда илмий ҳамжамият кўмагидан фойдаланиш самарадорликка эришишда

Шу билан бирга, “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” гоъси асосида миллий брендларни хорижий бозорларга олиб чиқишда илмий-амалий ечимларни юзага келтирилади. Кейинги масала аҳолининг билим ва кўникмасини шакллантириш бўлиб, бу борада қисқа муддатли турли курсларни бевосита ҳудудларда ташкил этиш ижобий самара беради. Зеро, одамлардаги билим, кўникма,



кўл келади. Бунда олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва “ақл марказлари”нинг илмий салоҳиятидан кенг фойдаланиш ижобий самара беради. Уларни манзилли бириктириш орқали ҳудудларга мос салоҳиятни илмий асослаш ва шунга мос равишда “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, инвестицияларни йўналтириш, ресурсларни сафарбар қилиш, бозорга мослашувчан маҳсулотлар етиштириш борасида муҳим ечимларга келиш мумкин. Бундай ёндашув “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган миллий иқтисодийётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва таркибда қўшилган қиймат юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш мақсадларига эришишга катта ёрдам беради.

малака ва бошқа хусусиятлар иқтисодий тараққийёт учун зарур. Ҳўш, қайд этилган масалаларни ҳал этиш орқали қандай натижага эришиш мумкин? Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, ҳудудларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади. Унда ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари, иқлим шароити, инфратузилма ва логистика имконияти, ихтисослашув акс этирилади. Бир ёки бир нечта олий таълим муассасаси тадқиқотчиларидан иборат жамоа ҳудудларга бириктирилиб, улар олдида йиллик ёки беш йиллик илмий асосланган устувор йўналишлар бўйича ривожланиш дастурларини яратиш вазифаси қўйилади. Экология, иқлим ўзгариши ва сув

танқислиги билан боғлиқ муаммоларни юмшатиш бўйича самарали илмий ечимлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, ҳудуддаги ҳар бир одам, жумладан, аёллар ва ёшлар ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун имкониятлар илмий жиҳатдан тадқиқ қилинади. Билимларни ишлаб чиқариш ва бойликка айлантириш билан боғлиқ илмий асослар яратилади. Ҳудуднинг инвестициявий ва экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли ҳамда бизнес талабларига жавоб берадиган замонавий инфратузилмани ривожлантириш бошқа концепциялари ишлаб чиқилади. Аҳолининг даромадини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилиб, саноят, хизмат кўрсатиш каби ҳудудга мос драйвер тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий ёндашувлар амалга оширилади. Бутун жараён рақамлаштирилиб, маълумотлар билан ишлаш оsonлашади. Логистика хизмати ва бизнес соҳаси вакиллари учун таҳлил қилиш имконияти кенгайди. Ҳудудларнинг илмий ёрдам берилди. Ҳудудларни ривожлантиришнинг мастер режалари ишлаб чиқилиб, экспорт ва туризм салоҳиятини ошириш, шу жумладан, “бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳаллаларнинг драйвер йўналишлари ва ўсish нуқталари белгилан олинди. Илмий ҳамжамият вакиллари ўзлари бириктирилган ҳудудларнинг барқарор ривожланиши ва тўлақонли салоҳиятини очиб берувчи имкониятларни илмий тадқиқ қиладди, йиллик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқадди. Зарбдор, Уйчи, Сайхунбод, Ғиждувон тажрибаси мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар нақадар ҳаётини эканини намоеън қилмоқда. Ҳудудларни ривожлантиришнинг миллий хусусият ва имкониятларини тўлиқ ҳисобга олган ўзига хос моделга айланди. Бу тажрибани тизимли тарзда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида қўллаш умумий иқтисодий тараққийётга эришиш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладди. Бундай ёндашув илмий ҳамжамиятга жаҳоннинг илмий тажрибаси, илмий ва инновацион ютуқларини ҳаётга самарали таътиқ этиш учун кенг майдон таклиф қиладди. Креатив иқтисодийётни йўлга қўйиш учун ўзаро фикр-мулоҳаза алмашув ва амалий харажатларни олиб боришга ёрдам беради. Чунки креатив иқтисодийёт дунё миқёсида иқтисодий ўсish, аҳолини иш билан таъминлаш, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденцияларини ўзида намоеън қиладди ва муносиб ечимларни ўртага ташлайди. Жаҳонда гоъсиёсий ўзгариш, глобал иқтисодийётдаги бекарорлик, озик-овқат ва энергия ресурслари танқислиги, камбағаллик, экология муаммолари тобора ўткир тус олиб бораётган бир шароитда миллий иқтисодийётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун илгор билимларни ишлаб чиқаришга қўллаш ва фойдаланиш жуда муҳим. Чунки билим, таълим ва инновациялар глобаллашган дунёда иқтисодий ўсishнинг асосий кўрсаткичларини таъминлаб беради. Шу нуқтаи назардан, ҳудудлар ва илмий ҳамжамият ўрта-сиддаги кўп қиррали ҳамкорлик тараққийётни янги поғонага олиб чиқадди.



СИФАТЛИ КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ИСТАГИ

ЯНГИ ФАРМОН СОҲАДАГИ ИШЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРАДИ



Азиз МЕЛИБОВЕВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазири котибияти бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Яқин тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, касбий таълим тизимида 2019 йилга қадар касб-хунар коллежларида 3 йиллик дастурлар асосида фақатгина кундузи таълим шаклида кадрлар тайёрланган, касб эгаллаш имкониятига эса фақатгина умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини тамомлаган ёшлар эга бўларди.

Сўнгги етти йил ичида Ўзбекистонда касбий таълим соҳасида ёшларга қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар кечди. Ушбу ўзгаришлар натижа-сида аҳолининг касб эгаллаш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Назарий билимларни ишлаб чиқаришда амалий тажриба билан бирлаштирилган икки томонлама ўқитиш тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу еш мутахассисларга нафақат назарий билимларни олиш, балки ишлаб чиқариш корхоналарида иш бошлаш учун зарур амалий кўникмаларни ривожлантиришга имкон берди. Ёшларимиз учун ҳам ишлаб, пул топиш, ҳам таълим олиш имконияти яратилиб, дуал таълим шаклида ўқитиш тизими жорий қилинди.

Янгича касбий таълим тизимида "Ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили асосида камда умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда кундузи, кечки, сиртки ва дуал таълим шаклларида ўқитиш, шунингдек, касб эгаллаш истагида бўлган фуқаролар учун қисқа мuddатли касбга ўқитиш курслари очилди. Бу эса, ўз навбатида, барча тоифадаги аҳолини касбга ўқитиш тизими йўлга қўйилганидан далolat беради.

Энди 2019 йили мутлақо янги ташкил қилинган касбий таълим тизимида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ислохотларни тақомиллаштириш ва меҳнат бозори учун ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш янги босқичга олиб чиқиш зарурати вужудга келди.

Меҳнат бозорига яратилаётган янги иш ўринлари ҳамда иш берувчиларнинг ўрта

бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжи, шунингдек, уларнинг талабларига мос равишда кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Айни шу масалаларни кўриб чиқиш учун давлатимиз раҳбари жорий йил 24 сентябрда касбий таълимни ривожлантириш ва миллий малака тизимини ислоҳ қилишга оид тақлифлар тақдироти билан танишди.

Умуман олганда, касбий таълим соҳасидаги қатор муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан жорий йил бошида Президентимиз томонидан вазифа қўйилган эди. Мазкур топшириқ ижроси бўйича ўтган вақт мобайнида тизим самарадорлиги танқидий ўрганилиб, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Касбий таълим бўйича ўрганишлар 333 та касб-хунар мактаби, 227 та техникум ва 112 та коллежда ўрта бўғин кадрлар тайёрлашда табақалашган (бошланғич, ўрта ва ўрта махсус касбий таълим босқичлари) таълим дастурлари ўртасида узвийлик йўқлиги сабабли мавжуд қувватлардан унумли фойдаланилмаётганини кўрсатди.

Эндиликда касбий таълим тизимининг бошқарув, ташкилий ва методик жиҳатдан ягона давлат сиёсати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилик томонидан юритилиши белгиланди. Шунингдек, 3 та таълим муассасаси негизда техникумлар тармоғини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, замон талабларига тез мослашишни таъминлаш учун техникумларнинг академик мустақиллигини кенгайтириш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, халқаро таълим дастурларини жорий этиш орқали техникумлардаги таълим жараёнини янада юқори даражага олиб чиқиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг шу йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада тақомиллаштириш



Ривожланган мамлакатларда меҳнат бозори учун зарур касблар бўйича кадрлар тайёрлаш тизими трансформациясининг асосий мезонларидан бири меҳнат бозори ва касбий таълим хизматлари ўртасида чамбарчас боғлиқлини таъминлашдан иборат. Бу борада малакали кадрлар тайёрлаш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳамда меҳнат бозорига ўрта бўғин кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уларни иш билан таъминлаш механизмининг тақомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Ўзбекистонда меҳнат бозори талабларига кўра малакали ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлашда таълим соҳасининг халқаро таълим тизими билан ўзаро уйғунлашуви бити-

мининг даромад топиш имкониятини тизимли яратиб беради.

Айни шу мақсадларда мазкур фармон билан касбий таълим тизимини тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, улар орасида касбий таълим ташкилотларининг мақбуллаштириш ҳамда касбий таълимнинг барча даражалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган ягона кўп тармоқли таълим ташкилотлари тизимини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари талабларига мос кадрлар тайёрлаш имкониятини кенгайтириш, замонавий бўлаш тизимини жорий қилиш ҳамда ўрта бўғин кадрларни тайёрлашда манфаатдор вазирилик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўқув жараёнига халқаро тан олинган таълим дастурларини жорий қилиш, ўқитиш яқини бўйича бериладиган таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг хорижий давлатларда тан олиншига эришиш муҳим йўналишлардан биридир. Бундан ташқари, тизимни босқичма-босқич рақамлаштириш орқали ўқув жараёнини тақомиллаштириш, махсус электрон платформалар татбиқ қилиш ва таълим сифатини оширишга қаратилган чоралар кўриломоқда. Битирувчиларнинг кўникма ва компетенцияларини баҳолаш тизимини тубдан янгилаш орқали эса иш берувчилар талабларига тўла мос келадиган кадрлар тайёрлаш мақсади қўйилган.

Шу билан бирга, касбий таълим ташкилотлари турларини мақбуллаштириш ҳамда касбий таълимнинг барча даражалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган 600 та техникум ташкил этилди. Уларда кадрларни тайёрлаш бир неча муҳим талабларга мос равишда ташкил этилди. Аввало, Таълимнинг халқаро стандарт таснифига ҳам ва Ўзбекистон миллий малака тизими талабларига мос равишда амалга оширилади. Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурлари бўйича кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, малака ва компетенциялар бўйича қисқа мuddатли ўқув курслари ташкил этилади. Бошланғич касбий таълим дастурлари бўйича кадрларни тайёрлаш

умумий ўрта таълимнинг 9-синфини тамомлаган ўқувчилар учун давлат гранти асосида, камда умумий ўрта маълумотга эга бўлган бошқа талабгорлар учун тўлов-контракт асосида, ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурлари бўйича эса давлат гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Хорижий тажрибаларни пухта ўрганган ҳолда, 2021 йилда касбий таълим тизимига Германия тажрибаси асосида дуал таълим шакли жорий этилган ижобий натижаларни кўрсатгани боис, касбга ўқитиш тизимини шу йўналишда тақомиллаштиришга оид вазифалар ҳам белгиланди.

Президентимиз расмиётида 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йилги таълим дастурининг 234 та профтаълим муассасасида ўқинишни таъминлашга эришилгани танқид қилинди.

Шу боис, вазириликлар ўзларига тегишли таълим ва техникумларда ўрта бўғин кадрларни тайёрлашнинг тизимли олиб бориш, улардаги қувватни 100 фоиз ишлаштириш бўйича вазифалар қўйилган эди. Шунингдек, йилги таълим 50 минг коллеж-техникум ўқувчисини дуал таълим билан камраб олишни ташкил қилиш ҳамда бу ишлар, аввало, тўқимачилик, қурилиш ва қурилиш материаллари, электротехника соноати, машинасозлик йўналишларида бошланиши белгиланган.

Йил бошида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2023/2024 ўқув йилидан 245 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида дуал таълим шакли жорий этилди. Дуал таълим шаклини самарали ташкил этиш мақсадида 3546 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатилди, улар томонидан ўқувчиларга 5 мингдан зиёд устоз беририлди.

Миллий малака тизимига мувофиқ, касбий таълим тизимида ўрта бўғин мутахассисларини компетенцияларга асосланган таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизимига ўтилди. Хусусан, ҳозирги кунда 340 дан ортиқ касб бўйича компетенцияга асосланган дастурлар амалиётга жорий қилинди.

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб 233 та техникумда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш белгиланди. Бу вазифаларни изчил давом эттириш мақсадида мазкур фармон билан дуал таълим шаклида ўқувчиларни қабул қилиш иш берувчилар билан тузилган шартномалар асосида тўғридан тўғри амалга оширилади. Энди касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилган таълим дастурлари касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари, тадбиркорлик субъектлари бирлашмалари, йирик иш берувчилар ва уюшмалар билан келишилган сўнг амалиётга киритилади. Битирувчиларни яқини баҳолаш соҳа экспертлари, касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари, баҳолаш ваколатли ташкилотлар, иш берувчилар, уюшмалар ва Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирокида кўргазмали имтиҳонлар шаклида амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, касбий таълим муассасалари томонидан ўқувчиларга бериладиган малакаларни бевосита иш берувчилар, жумладан, хусусий сектор вакиллари иштирокида баҳолаш тизимига ўтирилишидан далolat беради.

Берилган малакаларнинг бевосита иш берувчилар томонидан баҳолашни келгусида улар малакасининг меҳнат бозорига тан олинши ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Касбий таълим ривожланган мамлакатларда кадрлар тайёрлаш бевосита иш берувчилар иштирокида амалга оширилади. Бунда назарий билимлар таълим муассасаларида, амалий кўникмалар эса корхона ва ташкилотларда ўргатилади.

Энди мамлакатимизда бериладиган малакалар ташқи меҳнат бозорига тан олинши билан боғлиқ қадамлар ташланди. Янги ташкил қилинган техникумларда босқичма-босқич халқаро таълим дастурлари жорий қилинади. Ўрта бўғин кадрларига талаб Олий таълим, фан ва инновациялар вазириликнинг "Касбий таълим" платформаси орқали шакллантирилиши йўлга қўйилмоқда.

Қабул жараёнини иш берувчилар талаби ва ҳудудларнинг ихтисослашуви асосида шакллантириш ҳам муҳим. Хорижий тажрибага назар солидиган бўлсак, Буюк Британияда мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжини аниқлашда макроиқтисодий кўрсаткичлар, иқтисодиётнинг тармоқ таркиби, инновация ривожланиш натижаларига ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришларнинг меҳнат бозорига таъсирини инобатга олади.

Германияда эса мамлакат меҳнат бозорининг юқори ва ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжини баҳолашда турли мутахассисликлар кесимида яхлит иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, ҳудудлар миқёсида макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ривожланишига оид илмий асосланган прогноз кўрсаткичларга таянилади.

Мамлакатимизда касбий таълим тизимида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўқувчиларда етарли кўникмаларни шакллантириш, иқтисодиёт тармоқларида ҳар бир соҳа учун кадрлар тайёрлаш инфратузими амалга оширилмоқда. Бунда ҳар бир тармоқ ўз йўналиши бўйича ўрта бўғин кадрларига буюртмалар портфелини шакллантириш, инвестиция лойиҳалари асосида яратилган иш ўринлари учун талаб этилаётган ҳамда ички меҳнат бозорига кириб келаётган янги касбларни шакллантириш лозим. Яратилган янги иш ўринлари учун талаб этилаётган касбий ва тил билиш кўникмаларига бўлган талабни ўрганиб бориш, кадрларнинг олинган тайёрлаш механизмининг жорий этиш муҳим омил ҳисобланади.



чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда 16 октябрдаги "Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада тақомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши касбий таълимни янги босқичга олиб чиқади деб баралла айтишимиз мумкин.

рувчилар малакасини халқаро меҳнат бозорига ҳам тан олиншига олиб келади. Бу ўсиб бораётган аҳолининг иш билан таъминлашда устувор вазифалардан бири саналади. Ўз навбатида, янги касбий таълим тизими камбағалликни қисқартириш учун қилинаётган ишлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаб, замонавий касб эгаллаган аҳоли қатла-

Тарадду

КАРТОШКА УРУҒЧИЛИГИ

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНАДИ

Президентимизнинг 2023 йил 7 июлдаги "Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорлиқни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосланганда Ўзбекистон — Корея картошка уруғчилиги марказини ташкил қилиш топшириғи белгиланган. Мақур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида институтда марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Хозир Корея Республикаси халқаро боғдорчилик институти билан ҳамкорликда қиймати 4,3 миллион долларлик "Ўзбекистонда картошка уруғчилигини ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш" мавзусидаги лойиҳа доирасида амалий ишлар бошланган. Бу халқаро илмий-амалий лойиҳа 2023-2027 йилларга мўжалланган бўлиб, Корея Республикаси Кишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат ва кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш вазирилик хузуридаги Корея кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш кооперацияси кўмағида амалга оширилмоқда. Ҳамкорлик

доирасида мамлакатимиз мутахассисларига ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга билимлар улаштириш, инновацион лабораторияда ин-витро усулида кўпайтирилган кўчатлардан микро ва минитуганакларни кўпайтириб, тажриба майдонига супер элита уруғлик этиштиришни йўлга қўйиш, халқаро экспертлар иштирокида ўқув-амалий семинарлар ва конференциялар ташкил этиш ҳамда соҳани ривожлантириш каби бир қанча вазифалар белгиланган.

Лойиҳа бошланиши аввалида Корея Республикаси Кишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат ва кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш вазирилик, Корея кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш кооперацияси етакчи мутахассисларидан иборат экспертлар гуруҳи институтига келди. Кореялик мутахассислар Самарқанд вилоятида картошка уруғчилиги билан шуғулланувчи фермер ҳўжаликларида бўлиб, бугунги ҳолатни ўрганди. Шу билан бирга, институт олимлари ва тадқиқотчилари иштирокида картошка уруғчилигини ривожланти-

риш истиқболлари, ин-витро лабораторияси, иссиқхоналар ташкил этиш бўйича семинар-тренинглр ўтказилди ҳамда соҳани ривожлантириш юзасидан икки томонлама меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Кишлоқ ҳўжалиги вазирилик ва тизим ташкилотлари етакчи мутахассислари ҳамда Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти олимларидан иборат делегация ўтган йили 9-15 октябрь кунлари Жанубий Кореяда биринчи ўқув-амалий хизмат сафарига бўлиб қайтди. Сафар давомида Сеулда Корея кишлоқ ҳудудларини ривожлантириш корпорацияси ва Халқаро боғдорчилик институти етакчи мутахассислари иштирокида семинар ўтказилди. Лойиҳа амалга ошириш босқичлари, вазифалар, Корея картошкачилик соноати ва Ўзбекистонда картошка уруғчилигини ривожлантириш истиқболлари доир тажриба алмашилди.

Делегациямиз вакиллари Жанубий Корея ва Осиё минтақасида етакчи ҳисобланган "Нонгвоо Био" уруғчилик илмий-тадқиқот

институти, Корея тоғолди ҳудудлари кишлоқ ҳўжалиги илмий-тадқиқот институти, Корея ва Осиё минтақасида картошка чипси билан танилган "Орион Агро" компанияси, Гимеж ширдиди "Корея кишлоқ ҳўжалиги технологиялари маркази" ва Корея кишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш агентлиги қошидаги "Корея уруғчилик соноатини қўллаб-қувватлаш маркази"ларида бўлиб, улар фаолияти билан яқиндан танишди.

Қатор тайёрғарлик тадбирлари, учрашув ва семинарлардан сўнг лойиҳанинг дастлабки босқичларида, яъни 2024 йилда корейлик эксперт олимлар томонидан Ўзбекистонда картошка уруғчилигини йўлга қўйиш масалалари шакллантириш мақсадида семинар ташкил этилди. Унда картошкачилик соҳаси бўйича корейлик мутахассислар, институт раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этиди. Корейлик профессор Хюн Мук Чо томонидан "Стресс омиллар шартотида картошка маҳсуддорлигини ошириш стратегияси ҳамда Ўзбекистон шартоти

учун мос навларни танлаш" мавзусида курс ташкил этилди. Корейлик эксперт, профессор Кван Ёнг Шин эса "Иссиқхоналарда уруғлик картошка этиштириш технологияси" мавзусида тақдирот ўтказди. Экспертлар томонидан бошқа давлатларда ўтказилган шу каби лойиҳаларда учраган муаммолар, уларнинг ечимига қаратилган масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Институт еш олимлари ва талабалари жорий йил май ойида Халқаро боғдорчилик институти, Кангвон миллий университети, W'Sgamja хусусий корхонаси ҳамда қатор илмий-тадқиқот марказларида малака оширди.

Кореялик тажрибали профессорлардан икки нафари ишга қабул қилинган. Улар талабаларга "ақли" иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этиш ҳамда картошкачилик фанларидан дарс бериб келмоқда. Умуман, жорий йилда институтида корейлик 16 эксперт лойиҳадаги вазифаларни бажариш билан бир қаторда таълим ва илмий жараёнларга жалб этилди.

Лойиҳанинг расмий очилиш жараёни 2024 йил 1 ноябрда белгиланган бўлиб, тадбир илмий-амалий форум шаклида ташкил этилди. Форумда 20 дан ортиқ хорижий ва 100 дан зиёд маҳаллий экспертлар, олимлар, тадқиқотчилар қатнашиши кўтилмоқда. Шунингдек, тадбирда ин-витро лабораторияси, гидропоника иссиқхонаси очилиши, соҳа мутахассисларининг қимматли маърузалари ташкил этилади. Мақсадимиз Ўзбекистонда картошка уруғчилигини ривожлантиришни йўлга қўйиш ҳамда бу соҳада етук мутахассислар тайёрлашдан иборат.



Шавкат ҲАСАНОВ,
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Таълим сифатини ошириш, назарий билимларни амалиёт билан интеграция қилиш борасида мамлакатимиз олийгоҳларида қўллаб ишлар бажарилмоқда. Бу борада Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида ҳам қатор лойиҳалар устида изланиш олиб борилмоқда.



Тараққиёт одимлари

ИШЛОВ БЕРИЛАЁТГАН ОЛМОС

ЮРТИМИЗ ТУРИЗМ ИМКОНИАТИНИ ШУНДАЙ БАҲОЛАШ МУМКИН



Президентимизнинг шу йил августда тадбиркорлар билан очик мулоқотида меҳмонхона бизнеси билан шуғулланаётган тадбиркорларга ҳам қатор енгиллик ва имтиёзлар тақдим этилиши таъкидланди. Жумладан, 2024 йил 1 октябрдан меҳмонхона ва тuroператорларга қўшимча қиймат солиғининг 20 фоизи "кэшбек" қилиб берилиши маълум қилинди. Шунингдек, туризм соҳасидаги эксклюзив ҳуқуқ бекор қилинадиган бўлди.

Нафақат Самарқандда, балки туризм имкониятига эга барча ҳудудда жадал ислохотлар амалга ошириляпти. Хусусан, Бухоро ва Хоразм шаҳарлари, Қорақалпоғистон ва Оролбўйи, Зомин, Фориш, Бахмал, Бўстонлик туманларида сайёҳликнинг турли йўналишлари бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниб, тегишли ишлар бажарилмоқда. Яқин йилларда биргина Самарқанднинг довуғини эшитиб келган сайёҳлар бу ердаги экотуризм, гастротуризм, тоғ-курорт туризми, зиёрат туризмининг ноёб намуналаридан баҳраманд бўлади. "Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади" деганларидек, Ўзбекистоннинг туризм имкониятини кўрган сайёҳлар ҳам, албатта, яна дам олиш мақсадида юртимизга келади. Аслида, соҳани ривожлантиришдан кўзланган мақсад ҳам шу.

Имтиёзлар интилишга чорламоқда

Сайёҳлар учун нафақат борадиган манзиллардаги тарихий обидалар, курортлар, табиат манзаралари, яъни дам олиш учун маданий-кўнгилочар масканлар муҳим, балки у ердаги меҳмонхоналарнинг шарт-шароити ва қўлайликлари ҳам аҳамиятлидир. Ким ҳам дам олиш кунларини замонавий меҳмонхоналарда ўтказишни истамайди, дейсиз. Шу боис, мамлакатимизда меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари барпо этиш ҳамда уларнинг фаолияти сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2023 йилда умумий қиймати 9,5 триллион сўмлик 508 та лойиҳа ҳисобига 9492 та янги иш ўрни очилди. 183 та янги меҳмонхона ва 232 та хостел фаолияти йўлга қўйилиб, жами жойлаштириш воситалари сони 5526 тага етказилди. Шунингдек, 452 та оилавий меҳмон уйи очилиб, уларнинг умумий сони 3458 та бўлди.



Сайёҳлар учун хизмат кўрсатувчи 810 та янги туристик ташкилот ва турагент фаолияти йўлга қўйилиши натижасида улар сони 2649 тага етди. Президентимизнинг шу йил августда тадбиркорлар билан очик мулоқотида меҳмонхона бизнеси билан шуғулланаётган тадбиркорларга ҳам қатор енгиллик ва имтиёзлар тақдим этилиши таъкидланди. Жумладан, 2024 йил 1 октябрдан меҳмонхона ва тuroператорларга қўшимча қиймат солиғининг 20 фоизи "кэшбек" қилиб берилиши маълум қилинди. Шунингдек, туризм соҳасидаги эксклюзив ҳуқуқ бекор қилинадиган бўлди. Энди меҳмонхона фаолиятини сертификатлаш билан аккредитацияси бор барча корхона шуғуллана олади. Ҳозиргача бу хизмат бўйича эксклюзив ҳуқуқ Туризм қўмитаси ҳузуридаги ташкилотга берилган эди.

Ушбу янгилик мамлакатимиздаги меҳмонхоналарнинг хизмат сифати, сони ва салмоғи икки қарра орттиришга хизмат қилади. Шунингдек, тармоқда соф рақобат муҳити яратилади. Хорижий сайёҳларни жалб қилишда мамлакатимиздаги "туризм қишлоғи", "туризм маҳалласи", "туризм овули" ҳамда уларда очилаётган меҳмон уйлари ва имтиёзлар катта. Бунда халқимизнинг қон-қони-га сингиб кетган меҳмондўстлик ҳамда кўп йиллардан бери аҳил жамоа бўлиб яшашимиз қўл келмоқда. Утган йили Навоий вилоятидаги Сентоб қишлоғи "Best Tourism Village 2023 Awards" номинацияси бўйича ғолиб бўлгани ҳам бу тизимнинг фойдали эканини билдиради. Оқдид аҳолининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконини берувчи бу амалиёт хорижий сайёҳларнинг диққатини қўпроқ тортади.

Самарқандни Ўзбекистоннинг "Туризм дарвозаси"га айлантириш бўйича мақсадли ишлар бажарилмоқда. Тарихда "Рўйи замин сайқали" деб ном қозонган Самарқанд чет эллик сайёҳларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳамда "Боқий шаҳар" каби диққатга сазовор мажмуаларга эга Самарқанд мазкур шаҳарлар билан ҳар томонлама бўйлаша олади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда меҳмонхона бизнеси билан шуғулланаётган тадбиркорлар моддий томондан ҳам рағбатлантириляпти. Вазиrлар Маҳкамасининг шу йил 13 сентябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган Модулли меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун субсидия



Сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳам махсус билим талаб этади

Қайси соҳа бўлмасин, унинг ривожига тармоқдаги кадрларнинг билим ва малакаси муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, туризм соҳаси, меҳмонхона, рестороnларда хизмат кўрсатиш ҳам кадрлардан ўзига хос махсус билим ва кўникама талаб қилади. Хорижий сайёҳларни кутиб олишдан тортиб, уйига кузатиб қўйишгача бўлган жараённинг ўзига хос халқаро мезонлари мавжуд.

Туризм соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш учун 2018 йилда Президентимиз қарори билан "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети очилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 июлдаги "Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тизим янги ривожланиш bosқичига кўтарилмоқда. Жумладан, қарорга мувофиқ, 2024/2025 ўқув йилидан давлат олий таълим муассасаларида туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳаларида кадрлар тайёрлаш тизими уч йиллик олий таълим дастурлари асосида йўлга қўйилди ва ўқув жараёни "блок-модуль" тизимига асосланган дуал таълим шаклида ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, соҳадаги малакали кадрларга эҳтиёжини тез ва самарали бартараф этиш имконини беради.

Айни пайтда соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишида Туризм соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази жонбозлик кўрсатади.

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Самарқанд шаҳридаги Халқаро туризм академиясида меҳмонхона ва рестороnлар учун энг юқори малакали хизмат кўрсатувчи ходимлар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши ҳам тармоқдаги кадрлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади.

Қарорда кадрларнинг жаҳон стандартлари асосида тайёрланган ўқув дастурлари орқали таълим олиши кўзда тутилмоқда. Янги ўқув дастурларида талабаларнинг назарий билимлар билан бирга амалий кўникмаларга эга бўлишига ҳам урғу берилмоқда.

Белгиланган вазиfалар тўлақонли амалга оширилса, мамлакатимиздаги меҳмонхона ва рестороnлар нафақат қўлайлиги, замонавий шарт-шароитлари, балки юқори даражада хизмат кўрсатиши билан ҳам хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Соҳа ривожини халқаро рейтингларда буй кўрсатмоқда

Туризм соҳасида халқаро рейтингларда юқори поғоналарни банд қилиш аҳамиятли. Сабаби бу реклама сифатида сайёҳлар оқимининг орттиришга хизмат қилади.

Айни пайтда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасидаги ислохотлар халқаро рейтингларда буй кўрсата бошлади. Хусусан, Ўзбекистон 2024 йилда саёҳат қилиш учун энг яхши давлатлар рўйхатига киритилди. "World of Statistics" бу ҳақда эълон қилиши хорижий туристлар сони ва туризм экспорти ҳажми ошишига хизмат қилади.

"Жаҳон мусулмон саёҳати индекси" (GMTI-2023) халқаро зиёрат туризм рейтингинда Ўзбекистон 140 мамлакат ичида 13-ўринни эгаллаган эди. Шунингдек, "Halal In Travel Awards 2023" тадбирида Хива шаҳри "Йилнинг ислом мероси туризм манзили" соvrинини қўлга киритди.

Турли совринлар билан тақдирланиб ва халқаро кўрсаткичларда юқори поғоналарни эгаллаб боришимиз соҳадаги ислохотлар натижа бераётгани бу йўлда яна қилиниши зарур бўлган ишларнинг салмоғини кўрсатиб беради. Ўзбекистон туризм имконияти кон ичида эгган тошга ўхшайди. Уни қазиб олиб қанча ишлов берсангиз, олмос каби ярқирайди. Сифатли ишлов берилган олмосни бутун дунёга тақдим этсангиз, барчанинг кўзини қамаштириши, қизиқиши ва ҳайратини орттириши шубҳасиз.

Санжар БЕК, журналист



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бошланиши 1-бетда

Бунинг асосий сабабларидан бири туризм ривожига бошқа соҳалар, бординги, давлатлар истиқболда драйвер вазифасини ўтаб беришидир. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш, транспорт-логистика соҳаси ривожини, савдо-сотиқ, экспорт кучайишида, хорижий инвестициялар жалб қилинишида сайёҳлик тараққиёти муҳим.

Шу сабабли мамлакатимизда туризм ривожига алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида юртимизда ташки ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароит яратиш орқали сайёҳлар сони ошириш вазифаси белгиланган. Жумладан, хорижий туристлар сони 15 миллионга, ички сайёҳлар сони 25 миллионга, зиёрат туризми бўйича келадиган туристлар сони 3 миллионга етказиш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига мамлакатда 30 та йирик туризм кластери ташкил этиш, меҳмон ўринлари сони камидан 2 баробар ошириш, тоғли ҳудудларда 25 та дор йўли қуриш, туризм маҳаллалари сони 175 тага етказиш мақсад қилинган.

Хўш, бу мақсадга эришиш имконияти, соҳанинг ҳозирги ҳолати қандай? Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-июль ойларида 4,2 миллион чет эл фуқароси туристик мақсадда Ўзбекистонга келган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,3 фоиз кўп.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун Қатар, Саудия Арабистони ва бошқа давлатлар сингари ҳамма ишни янгидан бошлашимиз шарт эмас. Минг йиллик тарихга эга, табиати жаннатмонанд, халқи меҳмондўст юртимизда сайёҳликнинг турли тармоқларини тараққиёт этиришга етарлича ресурслар мавжуд. Биздан ушбу ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни модернизация қилиб, дунёга танитиш талаб этилмоқда, холос.

Самарқанд юртимизнинг ташриф қоғози бўлади

Франция ҳақида сўз борганда хаёлингизга Париж келади. Ёки Италия дейилса, Рим, АКШ дейилганда Лас Вегас, Нью Йорк, Туркия ҳақида ўйлаганда эса Истанбулни



2023 йилда умумий қиймати 9,5 триллион сўмлик 508 та лойиҳа ҳисобига 9492 та янги иш ўрни очилди. 183 та янги меҳмонхона ва 232 та хостел фаолияти йўлга қўйилиб, жами жойлаштириш воситалари сони 5526 тага етказилди. Шунингдек, 452 та оилавий меҳмон уйи очилиб, уларнинг умумий сони 3458 та бўлди. Сайёҳлар учун хизмат кўрсатувчи 810 та янги туристик ташкилот ва турагент фаолияти йўлга қўйилиши натижасида улар сони 2649 тага етди.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бўюртма — 3805
42118 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳис: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй